

Газета 1998—жыл
1—сентябрден
шыға бастады.

20. АПРЕЛЬ

1998 ЖЫЛ

№ 11 (56)

ДУИШЕМБИ,

сатыуда еркин баҳада

ADAM



NIZAM

ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ ХУҚУҚ ҚОРҒАУ УЙЫМЛАРЫНЫҢ ЖӘМИЙЕТЛИК—ХУҚУҚЫЙ ГАЗЕТАСЫ

Коррупция етказган иқтисодий зарар


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИНИНГ УРИНБОСАРИ, 3-ДАРАЖАЛИ
ДАВЛАТ АДЛИЯ МАСЛАХАТЧИСИ БУРХОН БЕКМИРЗАЕВНИНГ «ХУҚУҚ»
МУХБИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИ.

Мухбир: — Бурхон Бекмирзаевич, аввало бир нарсага аниқлик киритиб олсак; кейинги пайтда коррупция ҳақида кўп гапириладиган бўлиб қолди?

Бурхон БЕКМИРЗАЕВ: — Жавобни саволингизнинг ўзидан бошласак, масалага тўғри ёндошган бўламиз. Аввал— собиқ СССР даврида ҳақиқатдан ҳам коррупция ҳақида мутлоқо гапирилмаган. Коррупция социализмга ёт ҳадиса, бу капитализм иллати, деб тушунтириб келинган ва шу ақида билан жиноятнинг ушбу тури ҳар томонлама хас-пўшланган. Аслида социализм илдиларига болта урган иллатлардан бири коррупциядир. У Брежнев салтанатида томир ёйди. Горбачёвнинг ошқоралик даврида кучга тўлиб, ўзининг нимага қодир эканлигини намойиш этди. КПСС ҳукмронлиги даврида «партия номенклатураси» очиқ-ошқора эътироф этилар эди. Номенклатура коррупциянинг айлани ўзидир. Алал-оқибат бу номенклатуранинг ўзи коммунистик гояларнинг инқирозига муносиб ҳиссасини қўшди. «Кейинги пайтда бизда коррупция ҳақида кўп гапирилаётгани»га келсак, бу жамият қон томирига худди саратон касаллиги каби ёпишиб олган иллатга— коррупцияга қарши очиқ-ошқор уруш эълон қилинган билан боғлиқ масалалар.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида; хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари» китобидаги ушбу сўзларни яна бир бор ёдга олайлик: «Ўзбекистонда, шубҳасиз, жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш чоралари кўрилмоқда, фош этилган коррупциячилар қаттиқ жазоланмоқда. Мамлакат ичидаги жиноятчилик доимо давлат томонидан қаттиқ назорат қилиб борилади. Жиноятчилик кенг авж олиб кетишига ва коррупциячилар домга илинган амалдорларнинг бебошлигига йўл қўймаслик мақсадида бир қатор узоқ муддатли чора-тадбирлар ишга солинган. Улар жиноятчиликка қарши кураш стратегиясини белгилаб беради».

Бу сатрлар мустақилликнинг илк давридаёқ эълон қилинган тараққиётнинг беш тамойили, улардан бири бўлмиш мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш вазифаси билан ҳамоҳангдир. Олий Мажлис сессияларида мамлакат миқёсида ўтқарилган деярли барча йиғилишларда, ҳатто халқ депутатлари вилоят кенгашларининг йиғинларида сўзлаган нутқларида ҳам Президентимиз ҳар доим қонунчилик масалаларига алоҳида тўхталиб, ҳуқуқий жамиятга, қонунларга амал қилиб яшашни халқимизнинг турмуш тарзига синдириб юбориш орқалигина етишиш мумкинлигини таъкидлаб ва таъкидлайдилар. Ҳозир мамлакатимиз ўтиш даврини бошдан кечирмоқда. Ҳарбча таъбир билан айтганда, демократик шароитда яшашга босқичма-босқич қўнқайишимиз, Шундай шароитда, Президентимиз Вазирад Маҳкамасининг 1998 йил 15 февралдаги йиғилишида таъкидлаганларидек, қонунни ҳимоя қилувчиларнинг ўзлари панд берса, катта ниятлар билан бошлаган улур ишларнинг тепасида турган раҳбарлар манфаатпарастлик йўлига ўтиб олсалар, бундан энг аввало, амалга ошираётган ислохотларимиз катта зарар кўради. Ҳозирги шароитда— мустақилликнинг янги довларини эгаллаш учун шиддатли кураш кетаётган пайтда бунга асло йўл қўйиб бўлмайди, Шунинг учун



ҳам коррупцияга қарши кураш айлани пайтдаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолди.

Иккинчидан, биз социализм амал қилиб келган самарасиз, усқуртмадан воз кечиб, лекин «эски уй»ни бирданга бузиб ташламасдан, басқичма-босқич бозор иқтисодиёти сари одимлаб бормоқдамиз. Тафаккур, онг, тушунчалар, қарашлар, муносабатлаш тамомила бошқача ўзан бўйлаб ҳаракатланмоқда. Ахир илгарилари камбағал батракнинг боласи бўлиш ифтихор белгиси саналар эди. Энди билсак, тўқис яшаш, бой бўлиш учун ҳам билим, савия, жўн қилиб айтганда, калла керак экан. Ҳаммани сунъий равишда тенглаштирадиган, қўлидаги кишидан бошқа ҳеч вақоси бўлмаган люмпен; пролетарликдан воз кечилиши билан жамиятдаги муносабатларда табиий равишда лойқаланиш, маълум маънода беқарорлик рўй берди. Бундай шароит салбий иллатларнинг, айлани пайтда коррупциянинг жонланишига сабаб бўлди.

Мухбир: — Бурхон Бекмирзаевич, ушбу фикрларини мисоллар билан далиллаб берсангиз. Коррупция мустақиллик учун, аниқланаётган жамиятимиз учун нечоғли хавфли?

Бурхон БЕКМИРЗАЕВ: — Келинг, ҳақиқатнинг кўзига тик қарайлик. Президентимизнинг юқорида тилга олинган маърузасида таъкидланганидек, «қўли пок бўлиши зарур бўлган ҳуқуқ-тартибот органларининг ўзида манфаатпарастлик, парахўрлик, коррупция айбдорларга ҳимийлик қилиш» каби иллатларга йўл қўйилмоқда. Жумладан, прокуратура идораларида, қонунни ҳимоя қилиши керак бўлган даргоҳда кейинги пайтда қонун бузилиши билан боғлиқ 13 та жиноят содир этилган. Уларнинг ҳар бири маълум маънода коррупцияга ва парахўрликка дахлдор жиноятлардир. Масъулиятсизлик, малакасизлик ёки хизмат вазифасига совуқонлик билан муносабатда бўлаётган прокуратура ходимлари, офисуски, ҳозир ҳам орамизда учраб турибди. Лекин, прокуратура тизимида қарор топган бу каби салбий ҳолатларга қатъият билан баҳо бериш ҳолатларини ҳам эътироф этмоқ даркор.

Иккинчидан, тақрор айтаман, бугунги кунда жиноятчиликнинг энг хавфли турига айланган коррупция масаласига янада жиддий эътибор қаратилаётганлиги Ўзбекистонда бу иллатнинг таъсир доираси бу оз бўлса-да, кучайганлиги, иқтисодиётни ўз исканжасига киритишга бўлган интилишлари билан боғлиқ. Жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашда янада кескин чора-тадбирлар кўришни тақозо этган омиллардан яна бири кейинги йилларда масъул ва мансабдор шахслар ҳамда ҳокимият органи вакиллари томонидан қасддан жиноят содир этиш ҳолатларининг кўпайганлиги бўлди.

Мамлакатимиз ислохотларни чуқурлаштириш борасида улкан муваффақиятларни қўлга киритаётганлигини, бу борада Ҳамдўстликка аъзо давлатлар ичида етакчилик қилаётганлигини, албатта, гурур билан гапираримиз. Лекин, қанчалик ўқинчли бўлмасин, ўтиш даврида давлат ва ҳўжалик бошқарувининг турли бўғинларида, хусусан, молия-кредит, хусусийлаштириш, мулкчилик тўғрисидаги ва бошқа қатор қонунлар ижросида узиллишлар рўй бераётганлиги, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, меҳнат ва ички ҳўжалик муносабатлари усул ва йўллари ноқонуний ўзгартириш, аниқроқ айтганда, давлат манфаатларига эиён етказиш тараққиётга тўқинлик қилиш ҳолатлари тез-тез содир этилаётганлигини ҳам тан олишга мажбуримиз. Бундай қонунбузилишларнинг аксарияти давлат хизматидаги мансабдор шахслар томонидан амалга оширилаётганлиги эса янада ташвишлидир. Чунки, Президентимиз айтиб ўтганларидек, жиноятнинг бу тури бошқарув аппаратини издан чиқарибгина қолмай, бозор асосларини ҳам барбод қилиши мумкин.

Коррупциянинг моҳияти давлат хизматчисининг жиноятчилардан узлуксиз равишда ҳақ олиш эвазига уларга доимий хизмат кўрсатиши билан белгиланган бўлса, бундай ҳолатлар кейинги вақтда бир мунча ортанлиги кузатишмоқда. Фақатгина 1997 йилнинг ўзида масъул ва мансабдор шахслардан парахўрлиги учун 111 нафари, хизмат мавқеини суистеъмол қилгани ва гаразли мақсадда фойдалангани учун 137, ноқонуний равишда гўёвандлик моддалари сотиш билан шуғулланганликлари учун 6 нафари жиноий жавобгарликка тортилганлар. Охириги икки йил давомида эса ҳокимият вакиллари билан боғлиқ 13 та жиноят иши қўзғатилган. Уларнинг аксарияти парахўрлик ёки давлат мулкни талон-тарож қилиш жиноятларидир.

Бу ҳақда илгари ҳам гапирилган эди; Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг тафтиш-назорат бошқармаси катта инспектори М. Бекназаров аниқланган қонунбузарликларни ошқор қилмаслик учун 400 минг сўм пулни пара сифатида олаётганда ушланиб, қамоққа олинди.

Вазирлар Маҳкамасининг ўтган февраль ойидаги йиғилишида таассуф билан таъкидланганидек, давлатимиз хазинасини бойитишга бевосита масъул бўлган солиқ идораси тизимида талай қонунбузарлик, парахўрлик жиноятларининг фош этилиши, божхона ходимларидан 76 кишининг жиноятга қўл уриши ҳақиқатдан ҳам бу соҳаларда тошвишларни ҳолат юз берганлигини билдиради.

Яна бир мисол; Сирдарё вилоят ички ишлар бошқар-

маси коррупцияга қарши кураш бошқармасининг собиқ ходими Х. Шарипов, Шароф Рашидов туманидаги Волков номида пахта тозалаш заводининг мансабдор ва моддий жавобгар шахси Р. Умаров ҳамда бошқалар (жами 6 киши) ўзаро жиноий тил бириктириб, шу қорхонанинг 500 минг сўмлик пахта толасини Қозғистон Республикасига нақд пулга сотганида фош этилиб, қилмишига яраша жазога тортилдилар.

Мухбир: Қонун олдида барча баробар. Дарҳақиқат, умум манфаатдан ўз манфаатини юқори қўяётган мансабдор шахслар ҳам қилмишларига яраша жавоб беришлари муқаррар? Шундай эмасми?

Бурхон Бекмирзаевич: — Ўз фаолиятларида йўл қўйган қонунбузарликлар учун 1996—1997 йиллар мобайнида республика прокуратураси томонидан 116 нафар мансабдор шахс огоҳлантирилди. Улардан уч нафари вазир, 26 киши эса республика аҳамиятига эга бўлган қорхона, концерт ва давлат қўмиталарининг раҳбарлари, 6 нафари эса вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларидир.

Бугунги кунда ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан курашишга катта куч сафарбар этилаётган жиноят турларидан бири бу иқтисодиёт соҳасидаги қонунбузарликлардир. Албатта, бу жиноят кечаргина пайдо бўлиб қолгани йўқ. Унинг илдиз ёйиши тоталитаризм ҳукмронлик қилган собиқ Иттифоқ даврига тўғри келса, гуллаб-яшнаши, урчиб кетиши қизил империянинг таназули билан боғлиқ. Собиқ Иттифоқ таркибиде бўлган республикалар иқтисодиётини емираётган, тараққиётга тўқинлик қилаётган асосий нарса ҳам иқтисодиётдаги жиноятлардир.

Нафақат бизда, балки ўтиш даврини бошидан кечираётган қўшни давлатларда ҳам ислохотлар жараёнини издан чиқариш учун мамлакатда бош-бошдоқлик ва эгасизликка йўл қўйган кимсалар, асосан мансабдор ва раҳбар шахсларнинг ўзлари фурсатдан фойдаланиб мол-дунё тўплашга рўжۇ қўймоқдалар ҳамда шу йўлда исталган қабилликка қўл уришдан тап тортмоқчиликлари. Афсуски, масъул вазифада турган айрим юртдошларимизнинг бундай жиноятларни бошқа давлат вакиллари билан тил бириктирган ҳолда амалга ошираётганлиги ҳам аччиқ ҳақиқатдир.

Масалан, Сурхондарё вилоятидаги «Ўзсельхозснабремонт» базиси директори А. Раҳматов «Данас» акционерлик жамияти Бош директори М. Жанарбеков билан жиноий тил бириктириб, «Енисей—1200Р» русумли комбайнлардан 100 дона, Т-4 А маркали тракторлардан ҳам шунча миқдорда ҳарид қилиш тўғрисида 6 млн. 450 минг долларлик шартнома тузадилар. Текшириш жараёнида аниқланишича, шартномада кўрсатилган 100 та комбайн ўрнига атиги 10 дона олинган ва бу билан республикаимиз манфаатига 5 млн. 600 минг АҚШ доллари миқдорига зарар етказилган.

Сирдарё вилоятининг «Сардоба» дехқон-фермер ҳўжалиги жамияти раиси А. Тостанбеков бўлса, хизмат лавозимидан фойдаланиб, ҳеч бир ҳўжжатсиз, қонунга хилоф равишда 6 дона пахта териш машинасини 24000 АҚШ доллари эвазига қозғистонлик ҳўжалик раҳбарларига сотиб юбориб, давлатга 6 млн. сўмга яқин моддий зарар келтирган.

Биргина Сирдарё вилоятининг ўзида ўтган йили 20.5 млн. сўмдан ошиқ товар моддий бойликлар Тожкистон ва Қозғистон республикаларига олиб чиқиб кетилаётганида ушлаб қолинди.

(Бошланиши 1-бетда).

КОРРУПЦИЯ ЕТКАЗГАН ИҚТИСОДИЙ ЗАРАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИНИНГ УРИНБОСАРИ, 3-ДАРАЖАЛИ ДАВЛАТ АДЛИЯ МАСЛАХАТЧИСИ БУРХОН БЕКМИРЗАЕВНИНГ «ХУҚУҚ» МУХБИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИ

Термиз шаҳридаги ташқи савдо фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик ҳисобидаги «Сурхондарё облагопромосо» фирмаси директори Б. Шоймардонов валюта учун ҳисоб рақами бўлмаса ҳам Вильнюс шаҳридаги «Чехотекс» акционерлик жамияти раиси Е. Абрамова билан 2 минг тонна пахта толаси етказиб бериш бўйича контракт тузади. Унда етказиб берилган тола учун АҚШ долларида фирма кассасига нақд валюта тўлашга келишилган. Бўрибой Шоймардонов шу асосда жами 72 минг долларни фирма ҳисобига кириш қилмасдан ўзлаштириб юборди. Албатта, мансаб ваколатини суистеъмол қилган директор тегишли жазога тортилиб, 20 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Бундай жиноятлар асосан корхона, ташкилот раҳбарларининг ходимларга нисбатан назоратни сусайтириб юборганликлари, мол-дунё тўллаш ниятида турли чет эл компаниялари ва хусусий фирмалари билан қонунга зид бўлган шартномалар тузишлари орқали содир этилаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Масалан, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси раҳбариятининг назоратни бўшаштириб юборганлигидан фойдаланган айрим шахслар ҳужжатларни олماштириб ва қалбақлаштириб, пахта толалари ортилган вагонларни сотиш билан шуғулланиб келганлар. Ва кейинги икки йилнинг ўзида ана шундай ноқонуний йўллар билан толасининг баҳоси 12 миллион 160 минг АҚШ долларига тенг бўлган 159 та вагон Ўзбекистон Республикасидан четга чиқарилиб, ўзлаштириб юборилган.

Давлат мулкни толон-торож қилиш, пул маблағларини бошқа мақсадларга сарфлаш ёки ўзлаштириш қоллари содир этилаётган яна бир соҳа юқорида ҳам қайд этганимиздек, молия ва банк тизимидир. Мазкур тизимда молия-кредит масалалари билан боғлиқ қонунбузарликларга ҳамон қатъий чек қўйилганича йўқ. Соҳада юз бераётган жиноятларнинг вақтида ошкор бўлмастидан ҳам кимлардир манфаатдор бўлаётганга ўхшайди. Масалан, Алоқа вазирлигида бош ҳисобчи бўлиб ишлаган О. Жумаев иктисослаштирилган пайчилик тижорат «Алоқабанк» идан вазирликка мутлақ алоқаси бўлмаган хусусий корхоналарнинг кредит олишларига ёрдамлашиб келган ва бундай ноқонуний фаолияти оқибатида вазирликка 28 миллион 627 минг 116 сўм миқдорда моддий зарар етказибгина қолмай, нархи 1 миллион 150

миңг сўмлик 9 дона компьютерни ҳам ўзлаштириб юборган.

Мухбир: — Мамлакатимизда юритилаётган сиёсатни амалга оширишга қаратилган ҳар қандай қонун ва қарорлар қатъий, аниқ бажарилиши ўта муҳимдир. Бозор иқтисодиётига утишнинг ва мулкдорлар синфини вужудга келтиришнинг асосий воситаларидан бири-хусусийлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва тадбиркорликка қаратилган қонунчилик ижроси ҳам худди шундай муносабат талаб этади.

Бурхон Бекмирзаев: — Лекин, таассуфки, бу борада ҳам қонунни четлаб ўтиш, кўзбўямачилик, порахўрлик иллатлари авж олган. Ўтган йилнинг ўзидагина ҳокимлар ва бошқа мутасадди идоралар раҳбарларининг хусусийлаштириш билан боғлиқ, 202 та ноқонуний ҳуқуқий актлари прокурорларнинг протестлари билан бекор қилинганлиги, уларга қонунбузарликларни бартараф этиш хусусида 441 та амрнома берилгани ва 382 та тақдирнома киритилгани, 367 нафар мансабдор шахс огоҳлантирилганлиги ҳамда 500 нафарга яқини интизомий, маъмурий, моддий жавобгарликка тортилгани, 44 та жиноий иш қўзғатилиб, 34 нафар шахснинг қамалиб кетганлиги мазкур тизимда ахвол қанақалигини рўй-роқ кўрсатиб турибди.

Хусусийлаштирилётган мулкнинг нархини белгилашда ҳақиқий баҳони камайтириш, таниш-билишчилик қоллари кетма-кет содир этилмоқда. Навоий вилоятидаги «Нон хўжалиги» ҳиссадорлик жамияти раҳбари хусусийлаштирилётган объектининг нархини 110 миңг сўмга камайтирган. Чирчиқ шаҳридаги баланс нархи 324 миңг сўм бўлган «Октябрь» кинотеатри бўлса, директор томонидан хусусий фирмага бор-йўғи 10 миңг сўмга сотилган. Нукус шаҳридаги «Промпалати» ҳиссадорлик жамияти раҳбари мансабини суистеъмол қилган ҳолда ГАЗ-24 автомашинасини 3000 сўмга хусусийлаштириб олган. Термиз туманидаги «Дўстлик» кинотеатри эса

3 кишилик таркибда акционерлик жамиятига айлантирилганлигини нима билан изоҳлашни ҳам билмайсан, киши.

Маълумки, мамлакатдаги ижтимоий барқарорликнинг энг муҳим омилларидан бири бу ишсизлик муаммосини ҳал этишдир. Янги иш жойларини ташкил этиш учун давлат томонидан катта миқдорда маблағ ажратилаётган мазкур йўналишга ҳам уюшган жиноятчиларнинг қўли етиб борган. Бандлик хизматлари ҳисобидан 500 млн. сўмдан ортиқ маблағнинг талон-тарож қилиб юборилганлиги фикримизнинг тасдиғидир. Фақат Республика прокуратурасининг қатъий назорати остида бу маблағларнинг 200 млн. сўми жойига қайтариб қўйилди. Навоий вилоятида 40 млн., Бухорода 12 млн., Самарқандда 36 млн. ҳамда Қашқадарё вилоятида 19 млн. сўмлик ишсизлик муаммоларини бартараф этишга йўналтирилган кредитларни қайтармаган қорхона-ташкilotлар туғаб негганлиги аниқланди. Ҳозир Республика прокуратураси қолган маблағларни ҳам жойига қайтариш, бу пуллардан кўзда тутилган мақсадларда фойдаланиш ва жиноятчиларни тегишли жазога тортиш чоралари кўрилмоқда.

Ишсизларнинг иш билан таъминланганлиги хусусида сохта ҳужжатлар тайёрлаш ва шу мақсадга йўналтирилган маблағларни ўзлаштиришнинг ўйлаб кўринишлари Тошкент шаҳрида, Тошкент, Сирдарё, Навоий вилоятларида авж олганлиги вилоят ҳокимлари, Меҳнат вазирлигидаги мутасадди ўртоқларни ҳушёрликка қақришни лозим. Бундай ҳолатлар, тақор бўлсада айтиш жоизки, мамлакатнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатапти. Бун эътиборга олган ҳолда, вазирликлар, ҳокимлар, корхона-ташкilotлар раҳбарлари юқоридаги масалаларга давлат манфаатлари нуқтан-назаридан жиддий ёндошмоқлари шарт.

Президентимиз таъкидлаганларидек, бизнинг жамиятимизда қонун бошқаруvinг асосий ва кўп-қиррали воситасига айланиши зарур.

Мухбир: — Ушбу суҳбатга тайёрланиш жараёнида айрим маълумотномалар билан танишиб, очиги, ҳайрон қолдим. «Қўдон ёғ-мой» ҳиссадорлик жамиятининг собиқ директори И. Азизов ва ундан «эстафетани қабул қилиб олган» М. Гуломовлар (жами 14 шахс) уч йил давомида яқин 28 миллион сўмлик кунжарани талон-тарож йўли билан сотиб юборганлар. Еки Фарғона «Нефтьмаҳсулотлари» базасининг директори М. Қаҳҳоров ўз ҳамтовоқлари билан атиги ўн ой ичида 1 млн. 600 миң сўмликдан ошмиқ ёқилғимойлаш материалларини ўғирлашган. Бу мисоллар ва юқорида сиз келтирган фактлардан коррупциянинг таъсир донраси ўн миллион сўмлар билан улчанаётгани ва бу ёш давлатимиз учун чиндан ҳам ташвишланарли эканлиги кўзга ташланади.

Бурхон Бекмирзаев: — Шунинг учун Президентимиз бу ҳақда қуйинчаклик билан гапириб, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари олдида коррупцияга қарши қатъий билан кураш олиб бориш вазифасини қўймоқда. Ҳукуматимиз томонидан бу каби салбий иллатларни томири билан қўпориб ташлаш учун муҳим дастурлар ишлаб чиқиляб, амалга оширилмоқда. Мен ўтган 1997 йилда қабул қилинган «Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш», «Кадрлар тайёрлаш» ва «Миллий хавфсизлик тўғрисида»ги давлат дастурини назарда тутмоқдан. Аҳолиси ҳуқуқий жиҳатдан саводхон бўлган мамлакатда коррупциянинг яшашни ниҳоятда қийин қилиб қолиши ўз-ўзидан тушунарлидир.

Давлатимиз ва жамиятимиз хавфсизлигига даҳлдор масалалар ва жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш вазифалари акс этган Миллий хавфсизлик тўғрисидаги Дастурнинг аҳамиятини, менимча, алоҳида изоҳлаш шарт эмас.

Не бахтки, қарама-қарши ўлароқ, жамиятимизда соғлом эътиқодли, мустақиллик манфаатларига садоқат билан хизмат қилувчи дуркун бир авлод улгаймоқда. Бу авлод давлат бошқаруви ва иқтисодиётимиз тузилмаларига шиддат билан кириб бормоқда.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари, жумладан, прокуратура ҳам ўз сафларини ҳар жиҳотдан етук шундай кадрлар билан изчил равишда мустаҳкамлаб бормоқда. Сиз билан биз ана шу тарихий жараёнларнинг бевосита иштирокчилари сафида яшаётганлигимиз ва хизмат қилаётганимиздан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Суҳбатдош: Дилшод ИСЛОМОВ.

Өрт өшириўшилер сәрдари

Ҳар бир инсан дуньяга келгеннен кейин, өмирден өз орнын таўыш, өзнен жақсы ат, жақсы зурят қалдырыўға ҳәрекет етеди. 1958 жылы Турсынбай аға Әлима апа менен шаңарақ қурады. Өмир оларды опалы яр. әдиўли ата-ана, мийнеткеш инсанлар етип өсирди.

Турсынбай аға Ешбаев 1940-жылы Нөкис қаласында туўылып көмалға келген. Өз мийнет жолы «Нөкис» совхозында әпиўайы жұмысыдан баслап, бүгинги күни запастағы ишки хызмет полковниги дәрежесине көтерилген. Бул инсанның өмир жолы нимди болса да қызықтырса керек. Ол ҳаққында оқыўшыларға кеңирек таныстырыўды мақул таптым.

Турсынбай ағадан өрт өшириўши көсибин қалай таңлағаны ҳаққында сорағанымызда, ол былай деди:

— Мен 1959-жылы «Нөкис» совхозында жұмысны болып ислеп жүрип, ҳәзирги «Қырк-қыз» ресторанының орнындағы базардан дүкандарға овоць тапсырыў ушын келгенде, трактордың балоны жарылып қалды. Сол жерге жақын Нөкис қаласы өрт өшириў командасына жел беріў насосын сорап барғандықда, қоңырау қағылды, еки дәруаза бирден ашылып, адамлар машиналарға мийип, өрт болған жаққа көзди ашып жумғанша жөнәп кетти. Сол геалери өрт өшириўшилердиң шаққанлығына ықласым кеттими, билмедим...

Ол 1960 жыл 1-марттан баслап сол командаға өрт өшириўши жаўынгери болып жұмысқа киреди.

1960 жылы Алма-ата қаласына ХI айлық оқыўға кетеди. Келгеннен соң Нөкис қалалық өрт өшириў командасы баслығының орынбасары. 1966—1979 жылларға шекем ҚР ИИМ ОСБ бөлиминде ҳәр қыйлы лаўазымларында ислейди.

1979—1996 жыллары усы бөлимге басшылық еткен.

1960 жылдан 1996 жылға дейин ол жұмыстан қол үзбей Қарақалпақ Мәмлекет-

лик Университетин, Ташкенттеги Жоқарғы өрт техникалық мектебин питкереди.

Ол Ишки Ислер Министрлигиниң «өрттен сақлаў мәкемелериниң ағла хызметкерин», «айрықша хызметлери ушын» өңирге тағатуғын белгилери, «Мийнет ветераны», ишки ислер министрлигинде миңсиз хызметлери ушын медалларынның I—III дәрежелери менен хәм Қарақалпақстан Республикасы Жоқарғы Кеңесиниң Хүрмет жарлығы менен сыйлықланған.



Суўретте: ТУРСЫНБАЙ АҒА ӨЗ ПЕРЗЕНТЛЕРИ МЕНЕН.

1988—1989 жыллары Халық депутатлары Нөкис қалалық Кеңесиниң депутаты болған.

1996 жылдан сентябрь айынан баслап Қарақалпақстан Республикасы өртке қарсы гүресіў жәмийети Кеңесиниң баслығы.

Турсынбай ағаның тәрбиялаған, өз жұмысын үйрениўге туўры бағдар берилген шәкирттери Республикамыздың дерлик барлық өрттен сақлаў уйымларында ислеп атыр. Олар Турсынбай ағаны уста деп мақтаныш етеди. Ол өзиниң хадаллығы адамгершилиги, кишипейиллиги, искерлиги, талапшаңдығы, маманлығы менен киши, орта хәм жоқары басшы қурамлар арасында үлкен хүрметке, сыйласыққа сазаўар. Өзиниң бай ис тәжірибесин жас қөнийгелерге, басшы хызметкерлерге жәрдем, керек жеринде кеңес беріўден жалықпайды.

— Бөлимге баслық болып келгенimde, дейди Турсынбай аға, өрттен сақлаў жоқары мектебин хәм училищелерин

же жаман болмады. Бүгинги күнде көсиплик билимге ийе кадрлардың, соның улыўма жеке қурамын 60 пайызынан асты.

Турсынбай ағаның гөплерине нөзер салсақ халық хызметинде еле де қандай жұмыс болса да таяр турғанлығы сезиледи. Ал, оның бийик жоқарғы шаңарағы ҳаққында сөз ететуғын болсақ, Әлима апа—қаҳарман ана. Олардың он бир перзенти көмалға келип, тоғызы үйли жайлы болып кетти. Әлбетте, бул бахытлы күнлерге жетіў, ушын қаншадан-қанша жыллардың машақатлы демлери бастан өткенин ҳәр бир парасатлы инсан аңлап алыўы қыйын емес. Инсан өз бахытын—өз мийнетинен жаратады, деген ҳикметли гөп тегиң айтылмаған. Перзентлериниң төртеуи ата жолын ардақлаўды өз алдына мақсет етип қойған.

Венера Ешбаева—паспорт столда хызметкер болып ислесе, идиралды улы Бахтияр Ешбаев №1 өз алдына өскерий-лестирилген өрт өшириў бөлимшеси баслығының орынбасары. Мәдира Ешбаев болса, аға өрт өшириўши, ал Ихтияр Ешбаев болса, былтыр Ташкенттеги Жоқарғы Өрт Техникалық Мектебин питкерип келди. Ҳәзирги уақытта «Катекс» акционерлик жәмийетиниң №5 өскерийлестирилген өрт өшириў бөлимшесинде ислеп атыр. Ең генже улы Дәулетяр болса, быйыл мектепти питкереди.

Турсынбай аға улларына нөсият ретинде «Устине форманды кийгеннен кейин, хәммениң көзи сенде болады. Ҳәр бир сөзиңди, ис—хәрекетинди гүзетип турады. Сизлер тек адамларға өрнек болып ғана қалмастан, қолыңыздан келгенше жақсылық қылыңлар. Халқымызға қалыс хызметлерди аямаңлар. Ҳәр күни таң азда жұмысқа шықпастан алдың «қудайым, ҳеш бир инсанның үйи, аманаты өртенбесин, халқымыз аман болсын»—деп тилеп шығыўды ҳеш қашанда ұмытпаңлар, дейди.

Ал, уллары болса, өке сөзин булжытпай орындайтуғын перзентлер болып өсип-өбекте.

Миясар ҚАБУЛОВА

Журналист

Конституция—тийкаргы нызамымыз

1993 жылы 9 апрель күни он еккинши шақырық Қарақалпақстан Республикасы Жоқарғы Кеңесиниң он еккинши сессиясында Қарақалпақстан Республикасы Конституциясы қабыл етилди.

Бул республика тарийхында уллы ўақыя болып, халықтың өзін-өзи басқаруы, еркинлик, жәмийетлик, әдиллик, демократиялық мәмлекет құруыда Тийкаргы Нызам болып, демократия хэм инсан ушын хызмет қылатуғын хужжет болып табылады.

Республикамызда мәмлекетлик ҳәкимияттың бирден бир дереги халық болып, мәмлекет халықтың мәпи ушын хызмет етеди, бул әлбетте Конституция хэм сол тийкарында қабыл етилген нызамлар арқалы әкилик берилген уйымлар тәрепинен әмелге асырылады.

Мәмлекетлик ҳәкимият системасы болса нызам шығарушы, атқарушы хэм суд ҳәкимиятларына бөлину принципине тийкарланады.

Республикамызда демократия улыўма адамгершилик принципери не тийкарланады, буларға муўапық инсан, оның турмысы, ар-намысын, еркинлиги хэм басқа да ажыралмас хуқықлары ең жоқары байлық болып табылады.

Конституция хэм нызамлар демократиялық хуқықлар хэм еркинликлерди қорғайды.

Хуқықый мәмлекеттиң тийкаргы белгиси—бул пуқаралардың нызам алдында теңлиги, Конституция хэм нызамлардың үстинлиги принципийәғний хәрекеттеги нызамлар хэм нормативлик хуқықый хужжетлер Конституция тийкарында хэм оған муўапық болуы талап етиледди. Бул ҳаққында Конституциямыздың 3—бабында айтылады:

Қарақалпақстан Республикасында Озбекстан Республикасы менен Қарақалпақстан Республикасы Конституцияларының хэм нызамларының сөзсиз үстинлиги мойынланады.

Мәмлекет, оның уйымлары лаўазымлы адамлар, жәмийетлик бирлеспелер, пуқаралар Конституция хэм нызамларға муўапық хәрекет етеди. (15-статья).

Усы Конституциядағы режелердин бирде бирейи Қарақалпақстан Республикасының хуқықларына хэм мәплерине зәлел келетуғындай етип түсиндирилмейди.

Бирде нызам ямаса басқа да нормативлик хуқық акти Конституцияның нормаларына хэм принципери-

не қайшы келиуи мүмкин емес. (16-статья).

Әлбетте Конституция бизиң келешегимиздиң кепиллиги. Бул кепилликти хұрмет пенен асырап-сақлау, оны узақ әсирлерге жеткизюши, сақлаушы, бизиң келешегимиз—жаслар болып табылады. Конституциямыз болса өз нәубетинде жасларымыздың билим алыуына, олардың келешеге ушын хәмме шараятларды белгилейди. Бул Конституциямыздың 43-статьясында белгиленген: Ержетпегенлердиң, мийнетке жарамсыз хэм жеке баслы қартайған адамлардың хуқықлары мәмлекет тәрепинен қорғалады.

Қарақалпақстан Республикасы Конституциясы улыўма хуқық дизиминде ең тийкаргы орынды ийелейди хэм мәмлекетимиздиң хәмме нызамлары хэм басқа юридик-норматив хужжетлери ушын тийкар болып хызмет қылады.

Келешегимиздиң уллы болуына кепиллик беретугын Конституциямыз халқымыздың ең жақсы пазыйлетлери болып есапланған адамгершилик, өзине хэм басқаларға болған хұрмет, билимге хэм илимге болған умтылуы, ар-намыс, инсапылық, сабырлылықты өз ишине алады.

М. АРЗЫМБЕТОВ.

Қарақалпақстан Республикасы прокурорының орынбасары, әдиллик аға кеңесшиси.

Мамлакат Президентимизниң шу йил 4 мартдағы «Хўжалик юридувчи субъектларниң иқтисодий кочорлиги ва шартнома мажбуриятлариниң бажарилиши учун мансабдор шахсларниң жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида» ги Фармони Қарақалпоғистонда қандай амалга оширилмоқда?

Бу муҳим хужжатни ҳәйтга тәдбиқ қилишга пухта тайёргарлик кўрдик.— дейди Қарақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди Раиси О. Ж. Нуржонов. — Утган қисқа муддатда шартнома мажбуриятлари бажарилишини тәъминла-масдан қатта миқдорда иқтисодий зарар етказган хамда хужжатларни сохталаштиргани учун мансабдор шахслар устидан иккита жиноий иш қўзғатилди. Бу ишлар прокуратураға тақдим этилди. Бир мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, унга 5 миң сўм жарима солинди ва ўз вақтида ўндириб олинди. Хўжалик суди томонидан иқтисодий қо-

Фармон ва ижро

МАСЪУЛИЯТ ВА

ТАЛАБЧАНЛИК ЗАРУР

нунбузарликлар учун 6 та тавсиянома тақдим қилинди. Бир раҳбар ўз вазифасидан бўшатилди, 5 нафар мансабдор шахсларга интизомий жазо чоралари кўрилди.

— Умуман фаолиятимизни юртбошимизниң шу йил 25 февраль куни бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган кўрсатмалар, вазифалар асосида олиб бораемиз.— деб суҳбатини давом эттирди Озод Жанабоевич.— Асосий эътибор иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириб бориб, бозор муносабатлари шаклланиши, мулк шаклидан қатъий назар хўжалик субъектлари ора, шунингдек хорижий инвесторлар иштирокида ўзаро мулк ва маблағ алоқаларини кенгайтиришга қаратилди. Энг муҳими, иқтисодий соҳада, уни башқорув жараёнида ҳар хил мулк турларига асосланган қорхоналар, ташкилотлар, муассасалар хамда ишбилармонлар орасида юзага келган даъволарни бизга берилган конституциявий ваколатлар доирасида ҳал этиб, одил судловни амалга ошириямиз. Жумладан, ўтган йили 635 та хўжалик ишлари кўрилиб, суд ҳукми билан даъвогарлар фойдасига 660 миллион сўм миқдорда жарима ўндиришга қарор қилинди. Қонун талабларини бўзган мансабдор шахсларга 8 миллион сўм жарима солинди.

Қарақалпоғистонда хам банкротлик ишлари кўпаймоқта. Утган бир йил мобайнида 20 та банкротлик ишлари кўриб чиқилган бўлса, амалдаги йилда бундай ишлардан 14 таси кўрилиб, 11 ташкилот суд ҳукми билан банкрот деб эълон қилинди.

— Озод Жанабоевич, ўзаро даъволар, тортишуларниң келиб чиқишига асосан нималар сабаб бўлмоқда?

— Республика хўжалик судида кўрилатган хўжалик ишларидаги барча даъвогарга, тортишуларга шартномада кўрсатилган мажбуриятларни муддатиде, белгиланган тартибда бажармаслик сабаб бўлмоқда. Баъзан ижро қилувчи томон, аслида бажара олмайдиған мажбуриятларни зиммасига олиб, иккинчи томон билан шартнома тузади. Еки ўзаро шартнома тузувчилар томонларнинг тулов қобилиятини чуқур ўрганмасдан шартномани расмийлаштирадидлар. Бундай салбий ҳолатларни бартараф этиш учун Президентимизниң «Хўжалик юридувчи субъектларниң иқтисодий кочорлиги ва шартнома мажбуриятлариниң бажарилиши учун мансабдор шахсларниң жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида» ги Фармониға қатъий амал қилган ҳолда фаолиятимизда масъулиятни, талабчанликни янада кучайтиришимиз лозим.


Суҳбатдош; А. ИСКАНДАРОВ.

Нөкисим—

1033ал

пайтахтым

Сүүретке түсирген; П. МАТЖАНОВ.



НОПОК ОТА, НОҚОБИЛ ЎГИЛ



Ўғил фарзанд дунёга келганда, ота унинг келажакини ўйлаб еттига терак ниҳолини ерга қадар экан. Бу фарзандниң ўзи каби камол топиб, уйли-жойли бўлишига ишора, бақувват теракдек илдиз отиб, яшашига умидворлик бўлар экан. Ўғил ўсиб улғайганда, ўз камолини унда кўриб, олдоҳға миңг бор шукуроналар айтыб яшаётган оталарни кўп кўрганимиз.

Миңг афсуски, Шаббоз жамоа хўжалигиниң 17-бригадасида яшовчи Солий Матсапаев бу туйғулардан жуда ҳам йироқ экан. Аке ҳолда ўзи бошлаган жиноятта ўғли Умрбекни хам тортмаган

бўларди. Туман сув хўжалиги идорасида туппа-тузик ишлаб юрган Солий жон койтмай пул топишнинг йўлини кўп ўйлади. Ахири топди; ўғрилиқ қилишга аҳд қилди.

Оқибатини ўйламай ота ўз ўғлини ва унинг дўсти Рашид Хайтбоевни хам жиноят қилишга кўндирди. Ўзаро тил бириктирган бу гуруҳ қиш кунлариниң бирида кечқурун Беруний шаҳри, Спутник мавзесидаги Тадбиркор кўчасида яшовчи Болдибек Манабековниң ўйинга кулфни бузиб қиради. Уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, жами 24400 сўмлик нарса ва 2500 сўм пулни ўғирлаб кетадилар.

Ови бароридан келган ота-бола ўғриллар янада кўпроқ «ўлжани» мўлжаллаб. Салий Матсапаевниң ўзи ишлайдиған идорага тун ярмидан оққанда кириб келадилар. Бу ердан улар ичида 6000 сўм пул ташкилот муҳри ва чек дафтарчаси бўлган темир сейфни олиб чиқиб кетадилар.

Меҳнатсиз пул топиб, бойлик орттиришга ружу қўйган ота-ўғил ўғрилиқни ўзларига касб қиладилар. Қўшни бригадада яшовчи Р.жапбой Юсуповниң ўйини ўмарини мўлжаллаб, режа тузадилар. Ез ойдарииниң бирида тун ярмида улар ўз режаларини амалга оширишга киришадилар. Бу сафар уларниң «ови» жуда салмоқли бўлди. Жами 29210 сўмлик мол-мулк ва 452 миңг сўм пулни олиб, жуфтани ростлайдилар.

Халиқимизда «Кўза кунда эмас, кунда синади», деган гап бор. Бировларниң мулкига кўз олайтириб, нопок йўлга юрган ота ва ўғил хамда уларниң ҳамтово-

ғи одил суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур бўлдилар. Қисқа фурсат ичида жами 517 миңг сўмлик мол-мулк ва пул ўғирлаган Солий Матсапаев 17 йилга озодликдан маҳрум этилди, мол-мулкни мусодара қилиниб, жазони қаттиқ тартибдаги колонияда ўтишга ҳукм қилинди. Ота «насихатини» олган ўғил Умрбек Матсапаев ва унинг дўсти Рашид Хайтбоевларниң ҳар бири 18 йил озодликдан маҳрум қилиниб, мол-мулкни мусодара этилди, жазони қаттиқ режимдаги колонияда ўташга ҳукм қилинди.

...Яна бир ота-ўғил — Худойберган Жабборов ва унинг ўғли Умар Жабборов одил суд олдида ўз қилмишлари учун жавоб бердилар.

1997 йил 6 сентябрь күни кечқурун соат 20 лар чамаси Беруний шаҳар дехқон бозорида қовун сотиб турган Қосимбой Бийсенбоев билан ота-ўғил жанжаллашиб қоладилар. Бир қовунниң савдоси устида бошланган жанжал ур-йиқит, тўс-тўполонга айланади. Ўз жаҳлига эрк берган ота ва ўғил Қ. Бийсенбоевга тан-жарақати етказди. Уларниң бу хатти-ҳаракатлари бўйича жиноий иш қўзғатилиб, судга оширилди. Суд одил ҳукм чиқариб тегишли жазони белгиледи.

Шу ўринда фарзандларига тўғри йўлни кўрсатиб, билим олишга, касб эгаллашга, етук инсон сифатида камол топишга жон кўйдираётган ота-оналар қаторида ўзи қилган жиноятга фарзандларини хам бошловчи волюк кишиларниң борлигидан афсусланасан.

С. ЖУМАНИЕЗОВ.

Беруний тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси.

Судьялар хэм айыпланыушылар

Судьялар өзлериниң жумыс бабында қандай жууапларды еситпейди дейсиз. Олардың айырымлары анекдотларға айланып кетпекте.

Усындай анекдотлар менен оқыушыларды таныстырууды мақул тауып, олардан айырымларын жәриялап отырымыз.

РЕДАКЦИЯ

...Бизлердиң мушласуымыз былайынша басланған еди; бир қолым менен оның жағасынан, екінши қолым менен көкирегинен услап турғанымда мушласып кеттик.

— Сонда, сен қалай мушластың? Еки қолың менен болса оны услап турғансаң, жо ақыры.

— Мени ол урды—дә.

— Кеше қоңсым көшеде мениң қулағым урды.

— Гүәлар бар ма?

— Жоқ.

— Онда, бул ўақыны биймәлел жасыруға болады екен.

Полиция басқармасына бир бала жууырып келип;

— Тезирек, мырза! Көшеде қандай да бир ер адам мениң әкемди урып атыр.— деди.

Полиция хызметкери көшеге шығып, мушласып атырған еки адамды көреді. Балаға бурлып қарап;

— Олардың қайсы бири сениң әкең? — дейди.

— Хәзирше билмеймен. Олар да тап усы мәселе үстинде мушласып атыр.

Өзиниң қоңсысын екінши рет шошқа деп масқаралаған адамға, судья айыплай хүкмин дағазалады;

— Бул қылмысыңыз үшін елиу крон мугдарында жәрийма, пулын төлейсиз!

— Мынауың дым көп-гой? Откен сапары бары-жоғы бес крон жәрийма төлеген едим.— деди айыпланыушы.

— Шошқаның қуны қымбатлап кеткен болса бизде не айып?

— Айыпланыушы! Сиз бир хәптениң ишинде алты мәртебе урлық ислегенсиз!

— Аўа, хұрметли судья. Егер ишки ислер хызметкерлери де мендей болып жумыс ислегенде, елимиз әлле қашан гүлlep-жаснап кеткен болар еди.

— Солай етип, тек ақшаларды емес, ал қымбат бахалы затларды да урлағансыз?

— Аўа. Себеби, мениң анам балалығымнан баслап-ақ, бахыт тек ақшада емес, деп үйреткен.

— Сиз азық-аўқат дүканына урлыққа түсип, ол жерде қатты аш болдым дейсиз. Онда, не үшін азық-аўқат затларына тиймей, кассаны тонадыңыз?

— Мен кең пейил адамман. Барлық ўақытта да өзимниң ишин-жеуимди төлеп кетиуге әдетленгенмен.

Сегиз жылға қамалған айыпкер колониядан қашады. Үйине келсе хаялының қасында турған басқа еркекти көреді. Сонда хаялы;

— Сен қайтып келдің бе? Демде еки мыңыншы жылдың келип қалғаны ма? — деп сорапты.

— Мине, усының менен елиуинши мәртебе қалтаманлық қылмысыңыз үшін суд алдында тұрсыз. Енди саған не ислесең екен?

— Не ислейтуғын едиңиз? Буны бир үлкен сәне ретинде белгилеп жиберсек мақул болады—дә.

— Сиз еле неше жыл отырасыз?— деп сорады қамақханада отырғандардың би-реуи екіншисинен.

— Он жыл.

— Усы ўақыт аралығында хаялыңыздың биротала сеннен безип кетиуинен қорықпайсыз ба?

— Хәш ўақытта. Бириншиден, ол бундайлардан емес. Екиншиден оның өзине де тоғыз жыл қамақ жазасы берилген.

Таярлаған; Қууатбай ЕСЕБАЕВ.

МУЗЕЙ—ТӘРБИЯ МӘКАНЫ

1998 жылы 12 январь күни Өзбекстан Республикасы Президентини И. Ә. Кәримовтың «Музейлердиң жумысын түп тийкарынан жақсылау хэм жетилистириу ҳаққында» Пәрманы шыққан еди. Онда Өзбекстан Республикасы аймағында өйиен заманлардан қәлиплекен музейлердиң тармағын буннан былай да жетилистириу, халықты руўхый, әдеп-иқрамлылық жақтан жетилистириуде олардың ролин көтериу музейлердиң фондларында сақланып турған халқымыздың бай тарихый, гәрезсизлигимиз сәулелендиретуғын күтә сийрек, бийбаха экспонатларды пухталық пенен сақлау, оны үйрениу, байытыу хэм пүт-кил жәхәнге үит-нәсиятлау, оларды халықтың санасында милли мақтаныйш хэм адамгершилик сезимлердиң күшейтиу ушын кеңнен пайдаланыу, гәрезсизликке хэм адамгершилик сезимлерин бекемлеу, музейлерди дәуир руўхына жууап беретуғын жоқары маманлықтағы кәнигелер менен тәмиинлеу, оның материаллық—техникалық базасын бекемлеу, жер жүзлиқ музей таныу тәжирийбесин пайдаланыу айтылған еди.

Жақында Нөкис қалалық қамақхана-сының бир топар жас хызметкерлери Қарақалпақстан Республикасы ишки ислер министрлигиниң музейинде болды.

Музейдеги экспонатларды таныстырууда усы музейдиң илимий хызметкери Наўрызбай аға Таўмуратовтың үлкен хызмети болды.

ҚР ИИМ—ниң «жауынгерлик хэм милиция даңқы» музейи менен таныстыруудағы мақсет—деди бизди баслап

барған ишки хызмет майоры Әмет Таўбаев—жас хызметкерлердиң өз кәсибине қызығыушылығын арттыруу, ветеран аталар менен аналардың ишки ислер уйымы қатарында тар жол, тайғақ кешкен ерликкер көрсетиу, жас әуладларды олардың халық ушын ислеген мийнетлери менен таныстыруудан ибарат.

Бизлер хәзирги ўақытта музейде үлкен өзгерислер болып атырғанын көрдик. Атап айтқанда, музейди миллионла-тириу бойынша, өзимиздиң республикамызда тууылып—өскен хэм өз халқына тынышлықты сақлауда хызмет еткен, керек болса жанын пиде еткен хызметкерлердиң өткен тарихый үйрениуге айрықша дыққат қаратылып атырғанын гүәасы болдық.

Биз жас хызметкерлерде музей экспонатлары, ветеранлардың ишки ислер уйымында басып өткен өмир жоллары үлкен тәсир қалдырды.

Музей бизге ишки ислер уйымлары жаққында кеңирек танысуға, өзимиздиң билимлеримизди тереңлестиреу, руўхыйлық мәдениетти көтериуге, өз кәсибимизге болған мақтаныйш сезимин оятуға хэм оған үлкен жууапкершилик пенен қарауға жәрдем беретуғыны сөзсиз. Өйткени ол тәрбия мәканы.

Музей экспонатлары көриушилердиң кеуиллерине руўхыйлық дүньяның нурларын шашты.

А. АРЗУОВ.

Нөкис қалалық тергеу қамақханасының бақлаушысы, ишки хызмет қатардағысы.

ӨРТ ТИЛСИЗ ЖАҰ, ОНЫҢ АЛДЫН АЛҰЙ ШӘРТ

Жалын хәш қашан да адамның мүш-килин жеңиллестирип келген емес. Соның ушын да үйдеги балаларымызға өрт пенен ойнамақ,—деп талай мәртебе ескертип кетемиз. Шынында да өрт алдын ала хабарлап келмейди. Бизлер хәр қайлы себеплер менен болған өрт жағдайларын ушыратамыз. Өрт болған жерде көп ғана материаллық байлықлар шығынға ушырайды. Өрт адам өмирине қауип туўдыратуғыны хәммемизге мәлим.

Өткен жылы Қоңырат районы бойынша 98 өрт жағдайы жүз берген болса, соның ишинде балалар тәрәпинен 26. электр сымларының қысқа тутасыуынан 19, өртке итибарсызлық пенен қараудан 34 жағдай, печь морыларының насазлығынан 17, басқа да себеплерден 2 жағдай ушырасты.

Бул өртлердиң 95 пайызға жақыны жеке меншиң хожалықтарда болған. Ал, усы жылдың өткен күнлери ишинде 16 өрт жағдайы болған. Мәселен: «Алтынкөл» поселкасы Мукашев көшесинде жасаушы Р. Сапарбаеваның үйинде печь морысының жақсы ислемеуинен өрт пайда болып, усының ақыбетинен жайдың төбесин жанып жарамсыз халда қалған. «Қоңырат» колхозы бөлиминде жасаушы пуқара Н. Сейтановтың үйиндеги суў қазанынан өрт пайда болып 2 бөлме жайы өрттен зыянланған. Хәр бир хожалықтардағы печьлердиң морыларын еркли өртшилер

жәмиyeti мәкемеси хызметкерлери тәрәпинен тексерип, оның сазлығы ямаса насазлығы жаққында акт дүзилип қойыуы ақылға мууапық болады. Еки конфорлы газ плитасынан, басқа да суў қазаны хэм де газ плиталарынан резина шланга менен пайдаланыу күтә қауипли.

Өрт өшириушилер өз ўақында жәрдемлерин аямайды. Деген менен тыныш жасағанға не жетсин! Булардан тысқары асханаларда шырпыны балалардың қолы жетпейтуғын жерге қойу керек. Бала түсингендей болса, шырпы менен ойнаудың ақыбети жаман болатуғынын түсиндирип баруу тиис. Газ плиталарын, қазанхананы жағыу қағыйдасын билмейтуғын адамлардың жағыуына жол қойуға болмайды. Асханалардың төбесинде хаўа алмасып туратуғын орын болыуы лазым. Гейбир үй ийелери үйлеринен мал қоралардан шыққан шығындыларды жолға шығарып ямаса атызларында өртеди. Бул да өрттиң болыуына имкәният туўдыруы мүмкин. Сонықтан хәр бир тыныш жасайық деген адам усыларға тереңнен итибар беріу керек. Сонда ғана тилсиз жаўдың алды алынады.

Қоңыратбай МӘТМУРАТОВ.

Қоңырат районлық №2—өз алдына әскерийлестирилген өрт өшириу бөлимшесиниң инспекторы, ишки хызмет аға лейтенанты.

ЖОЛЛАМА АЛДЫ

Усы жылдың 10 апрель күнлери Нөкис қаласындағы ҚР ИИМ өрттен қорғау басқармасы өрт өшириушилериниң сайланды командалары хэм өрттен қорғау бөлимшесиниң 40 - Республиканың бириншилик жарысы болып өтті.

Жарыста Республикамыздың барлық районның өрт өшириушилер командалары қатнасып өзиниң күшли таярықтары көрсетти.

Қарақалпақстан Республикасы Конституция күни мүнәсипети менен өткен бул спорт жарысы жуўмағында Мойнақ

районы өрт өшириушилер күтә белсене қатнасып командалық есапта 1 хэм 2—орынларды ийелеуге ерности. Ал, Хожели қаласының №3—өз алдына әскерийлестирилген өрттен қорғау бөлимшесиниң командасы 3—орынды жеңип алды.

Жеңимпаз командалар ҚР ИИМ тәрәпинен бахалы сыйлықлар менен сыйлықланып алдымызда Өзбекстан Республикасы көлеминде өткерилетуғын жарысқа жоллама алды.

Азық-аўқат мәселеси ең баслы орында турады. Сонықтан халқымызды азық-аўқат пенен тәмиинлеу мәмлкетимиздиң ең баслы дыққат орайынан орын алған. Усындай қыйын-қыстау дәуирде азық-аўқат затларды республикадан сыртқа шығаруы жаққында сөз болыуы да мүмкин емес.

Президентимиздиң 1997—жыл 10—октябрдеги №1871—санлы «Товарларды экспортқа шығарууды ретлестиреу бойынша қосымша илажлар жаққында»ғы қарарында гәлле, гөш, сүт, нан өнимлерин, қара мал, қус, этил спирти, қант, чай хэм өсимликлер майларын республикамыздан сыртқа алып шығыуы қадаған етилген еди. Усы қарар илажлары базар қатнасығы жағдайында ишки базарымызды қорғауда үлкен орын тутарды.

ҚАДАҒАН ЕТИЛГЕН ЖҮК ИРКИЛДИ.

Айырым пуқаралар бүгинги қыйыншылықтардан пайдаланған халда өзлериниң жеке мәплерин ойлап байлық топлау менен шугылланып жәмиетимизге хэм елимизге қауип туўдырмақта.

Хәзирги ўақытта Қазақстан Республикасының айырым орынларында гөштиң хәр бир килограммының бахасы 250 теңге, ал Қарақалпақстанда болса 240 сұмды қурайды.

Базар есабында Қазақстан теңгесиниң Өзбекстан сұмына болған қатнасында бир килограмм гөштен неше сұм пайда көриу мүмкин екенлигин есаплау хәш бир адамға қыйын емес.

Усы жыл 16 март күни Қазақстан Республикасының пуқарасы М. Бопыловқа тийисли болған м/б Р 882 АОМ ЗИЛ-130 автомашинасында В. Бопылов хэм өзимиздиң жерлесимиз С. Жанаевлар улыўа бахасы 253 мың сұм болған 8 бас ири шақлы қара малды, улыўа бахасы 10500 сұмлық 3 бас майда шақлы қара малды хэм 12880 сұмлық 92 кг өсимлик майын нызамсыз түрде Қазақстан Республикасына алып шығыуға хәрәкет еткен. Айланба жол менен Устирт жайлауына шыққан. Олардың «Бажыхана посты артта қалды, алдымызда кең қумлық»—деген қууанышы узаққа созылмады. Бул №4 «Даўыт ата» постында бажыхана оператив—қыдыруы топары тәрәпинен иркилип жынайы ис қозғатылды, тергеу хәрәкетлери даўам етип атыр.

1998 жылдың март айында Қазақстан Республикасы турғыны М. Исаков Қазақстан Республикасының Жаңа Өзен қаласына сойылған гөшлерди алып өтиуге хәрәкет етті.

Буннан басқа да м/б З 39—69 КП КАМАЗ 5320 болған автомашинасында жерлесимиз У. Ыстыбаева 1275 кг гөш хэм 104 кг гүришти, басқа да азық-аўқат өнимлерин Қазақстан Республикасына алып шығып баратырғанда иркилди.

Бул жағдайлар бойынша жынайы ис қозғатылып, тергеу жумыслары жүргизилмекте.

Көрсетилген жағдайлар бойынша материаллар тийисли шара көриу мақсетинде суд органларына жиберилди.

Бажыхана хызметкерлери тәрәпинен нызам бузылуы жағдайларына қарсы аяусыз гүрес жүргизилмекте.

Б. ЮЛДАШЕВ.

ҚР Бажыхана басқармасының нәубетши бөлими баслығы.



Мариям ЕРИМБЕТ қызы

Егер Сиз арамызда болғаныңызда 65 жасқа толған күниңизди өзиниз бенен бирге белгилеген болар едик. Эттең сум әжел сизди арамыздан мәңги алып кетти.

Бүгин Сизди еске алып, жатқан жериниз жайлы, топырағыңыз торқа болсын деймиз—деп руўхыңды шад етиуши—қызың Турсын, күйеу балаң Иниятдин, ақлықларың Мәпруза, Гүлнара, Эльмира, Улбосын, Асаматдин.

«АДАМ ХЭМ НЫЗАМ» ШӨЛКЕМДЕСТИРИУШИЛЕР; Қарақалпақстан Республикасы Прокуратурасы, Әділшиқ Министрлиги хэм Ишки ислер Министрлиги. Газета А-3 форматында нұсқасы 14140 463 буйыртпа менен басылды. Газета айына 3 мәртебе шығады. Дәкимге алынғаны туралы гүуалық №579.

Бас редактор Роза КӨБЕЙСИНОВА Редакцияның жәмиетлик кеңесгөйлери: Парахат АЙТНИЯЗОВ, Жаңабай САДЫҚОВ, Азат НУРЖАНОВ, Бахмурат СЕЙТМУРАТОВ, Батыр МАТМУРАТОВ, Фархад НИЗАМОВ, Қудайбөрген НИЯЗЫМБЕТОВ, Жаңабай ШЫЛМАНОВ, Замира ШАМУРАТОВА, Ғақимбай ХАЛИМОВ.

Менен жайымдық Инд; 742000. Нөкис қаласы Гөрезсизлик көшеси №44 жай. телефон; редактор; 4—47—59. Басуға рұқсат етилген ўақты 15.00 Индекс пуқаралар ушын —321, көрнекілер ушын—322.